

Нафсимнинг ёмонлигидан паноҳ тилайман

09:40 / 07.09.2020 4494

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу: «Эй Расулуллоҳ, менга бирор калимани ўргатинг, уни тонг отганида ва кеч кирганда айтиб юрай», дедилар. Шунда у зот:

دَشَّأُكَ لَمْ يَشْءُ لَكَ بَرَدَاةٌ لَوْ بِيْغَلَا مَلْعَ ضَرَّأَلْ أَوْ تَأْوَأَمَّ سَلَا رَطَافٌ مُّهَلَلَا
هَكَرَشَّوْنَ أَطِيَّ شَلَّ رَشَّوْ يَسْفَنَ رَشَّوْنَ مَلَكُ بَدُوعٌ أَنْ أَلَّ أَلَّ أَلَّ أَنْ

«Аллоҳумма фатирос самавати вал арзи ъалимал ғойби ваш шаҳадати робба кулли шай`ин ва малийкаҳ, ашҳаду алЛаа илаҳа илла анта, аъзузу бика мин шарри нафсий ва шарриш шайтони ва ширкиҳи», деб тонг отганида, кеч кирганида ва тўшагингизга ётганингизда айтиб юринг», дедилар.

Маъноси: *Эй еру осмонни бор қилган Аллоҳим, эй ғойбни ва шоҳидни билувчи Раббим, Сен ҳар бир нарсанинг парвардигори ва подшоҳидирсан. Гувохлик бераманки, Сендан бошқа илоҳ йўқ. Нафсимнинг ёмонлигидан ва шайтоннинг ёмонлигию ҳийласидан Сенинг номинг ила паноҳ тилайман.*

Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.